

тақаладиган “Наврўз” байрами ҳамда у билан боғлиқ тадбирлар, удумлар, маросимлар мадҳини яхлит тарзда тадқиқ этиш ва шу орқали бахшилар ижодида анъананинг давом этиши ҳамда ҳар бир бахшининг

анъанага қўшган хиссаси, бадиий маҳорати ва бадиҳағўйлик қобилиятини баҳолаш алоҳида тадқиқ талабдир.

Адабиётлар

1. Мирзаев Т. Бахшилар эпик репертуарининг шаклланиши ва бойиб бориши. // Қодир бахши абадияти. –Қарши: 2012.
2. Чори бахши Умиров. Амир Темурунинг туғилиши ва болалиги. –Қарши: “Насаф”. 2011.
3. Қахҳор бахши Раҳимов. Қодир бахши ҳақида достон. – Қарши: “Насаф”, 2019.
4. Қахҳор бахши Раҳимов. Темура ва Боязид. –Туркия: 2019.
5. Эргашев А. “Термаларда Шоқул бахши маҳорати”. Монография. –Қарши: 2020.
6. Эргашев А. Қодир бахши термалари. – Қарши: 2013.
7. Эргашев А. Халқ бахшиси- Расул Умиров. –Қарши: “Насаф”. 2020. 55-56-б.
8. Эргашев А. “Термаларда Шоқул бахши маҳорати”. Монография. –Қарши: 2020. 51-б.
9. Абдумурод бахши Раҳимов. “Охува”. –Қарши: “Насаф”. 2013.
10. Рўзи бахши Қултўраев. Соҳибқироннинг туғилиши. –Қарши: “Насаф”. 2013.

РЕЗЮМЕ

Мақолада бахшиларнинг эркин ижод қилиши, миллий қадриятларимиз, байрамларимизнинг, хусусан, қадимий “Наврўз” байрамининг тикланиши, “Наврўз” билан боғлиқ урф-одатларнинг термаларда мадҳ этилиши таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется свободное творчество бахши, возрождение наших национальных ценностей, наши праздники, в частности древний праздник «Наврӯз», соблюдение традиций, связанных с «Наврӯзом» в сборной.

SUMMARY

The article analyzes the free creativity of bakhshis, the revival of our national values, our holidays, in particular, the ancient holiday "Navruz", the celebration of "Navruz" in epics and poems.

НУРМОН АБДУВОЙ ЎҒЛИ ВА УНИНГ САМАРҚАНД ДОСТОНЧИЛИГИ АНЪАНАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

Л.Худайкулова - филология фанлари номзоди

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Таянч сўзлар: эпик анъана, достон, достончи-бахши, “Кунтуғмиш” достони, вариант.

Ключевые слова: эпическая традиция, эпос, эпос-бахши, эпос «Кунтуғмиш», вариант.

Key words: epic tradition, epic, epic-bakhshi, epic "Kuntugmish", variant.

Ўзбек халқ достончилиги анъанасининг ривожланиши ва таракқий этишида Самарқанд вилояти ҳудудида шаклланган бахшичилик мактаблари муҳим роль ўйнаган. Ана шу мактабларнинг эпик анъанаси халқимизнинг кўплаб анъанавий достонларининг сақланиб қолиши ва бадиий тафаккур тизимидан ўрин олишига асос бўлган. Бу анъананинг ривожига йирик халқ бахшиларидан бири Нурмон Абдувоёй ўғлининг эпик ижодиёти муҳим ўрин тутди.

Нурмон шоирнинг тўлиқ исми Нурмуҳаммад бўлиб, у 1862 йилда Самарқанд вилоятининг Пойарик туманидаги Энамяхши қишлоғида туғилган. Отаси Абдували Раҳмат охун ўғли ачамайли уруғига мансуб бўлган. У деҳқончилик билан шуғулланган. Нурмуҳаммад ёшлигидан бакувват йигит бўлиб улғайганлиги сабабли чавандозликка қизиқиб, кўпқариларда фаол қатнашиб юрган. Кармана, Бухоро, Қарши, Қарқи томонларга бориб, улоқ чопиб, атоқли кўпқаритоз сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Қарийиб қирқ ёшларга борганда Саройқўрғон қишлоғида Абдуҳолиқ бахшига шогирд тушиб, икки йил мобайнида ундан достон ва термалар айтишни ўрганган. Бир неча анъанавий достонларни пухта ўрганиб олгач, устозидан фотиҳа олиб, достончи-бахши сифатида танилган.

Нурмон Абдувоёй ўғли ўзининг ғоят ҳозиржавоблиги ва бадиҳағўйлик иқтидорининг юксаклиги билан алоҳида ажралиб турган. XX асрнинг бошларида Самарқанд атрофларида чор Россиясининг мустамакачилиги сиёсатида қарши кўтарилган оммавий ҳаракат бошлиғи Намоз Пиримқул ўғли ҳақида достон яратиб, халқ орасида кўйлаб юрганлиги учун Каттақўрғон ҳокими томонидан 1914 йилда қамолқа олинган. Оғир қийноқлардан кейин мажрўх бўлиб, қамолдан чиққанидан кейин яна достон айтишни давом эттирган. Унинг репертуарида йигирмадан ортик анъанавий достонлар мавжуд бўлса-да, шулардан “Кунтуғмиш”, “Орзигул” (“Абдулла қофир”), “Намоз” (парчалар) достонлари, “Чигиртка”, “Дўмбирам”, “От” сингари термалар ёзиб олинган. Бахшининг термалари “Ўзбек фольклоридан намуналар” (1935), “Ўзбек

фольклори” (1939) тўпламларида чоп этилган. У 1940 йилда вафот этган [1:540]

Нурмон Абдувоёй ўғлидан ёзиб олинган “Кунтуғмиш”, “Орзигул” каби достонлар “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдигининг 9 ва 12-жилдларида чоп этилган [2:5-18]

Нурмон Абдувоёй ўғлининг эпик репертуари ғоят бой бўлган бўлса-да, ундан жуда кам асарлар ёзиб олинган. Шулардан бири “Кунтуғмиш” достони бўлиб, бу достон қўлёзмаси ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 26-инвентарь рақами остида сақланади. Уни 1927 йил 10 сентябрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида яшовчи Нурмон Абдувоёй ўғлидан фольклор тўловчи Зариф Қодирий ёзиб олган. Мазкур достон ҳажми 36 саҳифадан иборат. У 35х21 ўлчамдаги сарғиш-оқ қоғозга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида ёзилган. Қўлёзманинг илк саҳифасида “Эл достонларидан “Кунтуғмишбек-Холбека” достони. Айтувчи: халқ шоирларидан Нурмон Абдувоёй ўғли. Ёзучи: Зариф Қодирий. Каттақўрғон, 1927 йил 10 сентябрь” деган ёзув битилган.

Зариф Қодирий ушбу достонни ёзиб олиш чоғида фольклор асарини бевосита ижро жараёнида қоғозга туширишнинг илмий тамойилларига тўла амал қилган. У ҳар бир бетга ёзилган матндаги шевага оид сўзлар ёки тушунилиши қийин бўлган луғавий бирликларнинг устига бир ва ҳ.к. рақамларни қўйиб, саҳифа остидаги ҳаволаларда уларнинг маъноларини изоҳлаб борган. Бу эса мазкур достон матни юзасидан луғат тузишда муҳим аҳамият касб этади.

“Кунтуғмиш” достонининг Нурмон Абдувоёй ўғлидан ёзиб олинган варианты ҳозирга қадар муайян парчалар ёки алоҳида китоб ҳолида чоп этирилган эмас. Тўғри, 1955 йилда мазкур эпик асарнинг йиғма матнини тайёрлаб, чоп этиришга қиришган Х.Зарифов достоннинг Эргаш Жуманбулбул ўғли ва Нурмон Абдувоёй ўғли вариантларига таяниб иш кўрган бўлса-да, кейинчалик унинг ўзи бу асарнинг “Булбул тароналари” беш жилдигида эълон қилиниши муносабати билан халқ достонларининг оғзаки

намуналари асосида йиғма матн тайёрлаш мақбул эсаплигини эътироф этган [3:384-385].

Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган “Кунтуғмиш” достони илк бор “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг 9-жилдида чоп этилган. Кўлёмзада ушбу достоннинг номи “Кунтуғмишбек-Холбека” деб ёзилган. Достонда қахрамоннинг исмига “полвон” сўзи қўшиб ишлатилганлиги боис, нашрда унинг номини “Кунтуғмиш полвон” тарзида бериш маъқул қўрилган.

Ўзининг бадиҳағўилик маҳорати билан эл орасида катта шухрат қозонган Нурмон Абдувой ўғлидан ёзиб олинган “Орзигул” достони кўлёмзаси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Фольклор архивида 28-инвентарь рақами остида сақланади. Бу достон 1927 йилда фидойи фольклор тўпловчи Зариф Қодирий томонидан ёзиб олинган. Достон матни 35х20 ўлчамдаги сарғиш тусли қоғозга араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувида сиёҳ билан ёзилган бўлиб, ҳажми 34 саҳифадан иборат. Даставвал алоҳида варақларга ёзилган бу достон кейинчалик қаттиқ картон қоғоз билан муқоваланиб, яхлит кўлёмза китоб ҳолига келтирилган.

Кўлёмзасининг илк саҳифасида куйидаги ёзув мавжуд: “Эл достонларидан “Абдулла кофир” достони. Айтувчи халқ шоирларидан Нурмон Абдувой ўғли. Ёзучи: Зариф Қодирий. Каттакўрғон, 1927 йил 2 октябрь”. Ана шу қайдномдан маълум бўладики, Нурмон Абдувой ўғли бу достонни “Абдулла кофир” номи остида ижро этиб келган. Аммо мазкур достон кўлёмзасининг орасидан топилган бир тўртбурчак қоғозчадаги ёзув ушбу асар номини аниқ белгилашга ёрдам беради. Унда куйидаги битик мавжуд: “Бу достоннинг номини “Абдулла кофир” демасдан, “Орзигул” деб аташ тўғри бўлади. Ҳоди Зариф”[4]. Афсуски, ушбу қайднома қачон ёзилганлигини кўрсатувчи сана қўйилмаган. Чамаси, атоқли олим Ҳ.Зарифов мазкур достонни ўқиб чиққандан кейин, бу асар сюжети ўзбек халқ бахшилари эпик репертуарида “Орзигул” номи билан машҳур бўлган достон мазмунига тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда шу қайдномани ёзган кўринади. Бизнингча ҳам шу фикр асосли бўлиб, ушбу достонда тасвирланган воқеалар марказида Орзигул образи туришини ҳисобга олган ҳолда уни шу ном билан аташ тўғри бўлади.

Достоннинг бу вариантда тасвирланишича, Қобқарс вилоятида Абдулла кофир деган подшонинг йиғирма лак лашкари бор эди. Ўрдада беш хотини бор эди. Бирон фарзанди йўқ эди. Энг кенжа хотинининг отини Бўтакўзой дер эди. Бўтакўзойнинг олти ойликкина бўйда ҳомиласи бор эди. Бир кун подшо овга жўнамакчин бўлди. Шунда подшо Бўтакўзойга: “Қиз туғсанг – сўяман, ул туғсанг – қўяман! Ким суюнчига борса, оту туямни талатиб, тўй бераман”, – деб, овга жўнаб кетди. Подшонинг хотини қиз фарзанд кўргач, кайвонилар “Бўтакўзой ўлмасин” деб, бир лаъли-баркаш тиллани кўтариб, Тоғай подачиникига борадилар ва унинг ўғлини подшонинг қизи билан алмаштириб келадилар.

Бошқа вариантлардан фарқли равишда Нурмон Абдувой ўғли ижро этган бу достонда отаси совчи қўйганлигидан хабар топган Орзигулнинг бошқа ўлкага қочиб кетишига унинг устози – охун буванинг доно маслаҳати сабаб бўлади. Орзигул йиғлаб туриб:

Кўзим очиб тевааракка қарайман,

Адабиётлар

1. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 9-жилд. “Кунтуғмиш” (ишқий-романик достонлар). Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Ислом шоир Назар ўғли вариантлари. Нашрга тайёрловчи-лар: Ҳ.Зарифов, З.Хусаинова, М.Жўраев. Масъул муҳаррир: Т.Мирзаев. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2016.

2. Мирзаев Т., Жўраев М. Севги ва садоқатни куйловчи достон. // Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари: 100 жилд-лик. 9-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги нашриёт-матба ижодий уйи, 2016.

Охун бува, сиздан бир гап сўрайман.

Қўлингизга олинг бу кун илоҳат,

Шул ўзимга топиб беринг ривоят.

Мендай шўрли йиғлаб сизга келам,

Ҳаргиз қиз отага раво бўлами? – деб сўраганида, устози ўзининг манглайига бир мушлаб, Орзигул-лойга қараб:

Эшитгин сен охунингнинг сўзини,

Жавоб бердим, болам, сендай кўзини,

Астагина мин сен отанг бўзини,

Овдариб кўрдим-да китоб юзини,

Ота ололмаскан ўзининг қизини.

Жоним болам, шул отангдан ҳазар қил,

Отанг кўрмасин-да Орзуни ўзини, – дейди. Шундан кейин Орзигул бўзтулпорни миниб, Кўкғумбаз тоғига жўнаб кетади.

Кўкғумбаз тоғига етиб келган эпик қахрамоннинг биби Фотима билан учрашиши ва шу суҳбатдан кейин Сувонхон ёрининг дарагини топиши мотиви ҳам достоннинг бошқа вариантларида йўқ. Орзигулнинг Оқтош шаҳзадасига турмушга чиққанини эшитган Абдуллахон ўн тўрт туяга тилла-танга ортиб, савдогар киёфасида Оқтошга келади ва Хисравхон подшони алдаб, шаҳарнинг ўн саккиз дарвозасига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритади. Шундан кейин подшонинг ўғли Сувонкул олти ойлик овга кетганида у яшайдиган кўрғонни қирқ кечаю, қирқ кундуз ўққа тутиб, ғафлат уйқусида ётган Орзигулнинг хобгоҳига бостириб қиради.

Нурмон шоир эпик қахрамоннинг бошига тушган аянчли воқеаларни баён қилар экан, анъанавий сюжетни такомиллаштириб, ўзига хос бадиий талқин қилишга ҳаракат қилган. Тухмат оқибатида номи қора бўлиб, чўлу биёбонга бадарға қилинган Орзигулнинг ёнига келган Хидир унга далда беради-да, боласининг кесилган бошини жойига қўйиб, “пуф!” дейди. Шу захоти боласи “эна!” деб жойидан тура кетади. Мифик ҳомий Хидир она-болани эргаштириб, ўн бир кун деганда Чорчашма деган чашманинг бўйига олиб келади. Орзигул пирларининг мадади билан шу ерда истикомат қилиб турганида Оқтош вилоятидан қирқ маҳрамини ияртиб овга чиққан Сувонкулхон уларнинг устидан келиб қолади. Шу тариқа тақдир тақазоси туфайли йўли айро тушган икки севишган қалб бир-бири билан қайта туташади.

Шу ўринда Нурмон Абдувой ўғли эпик репертуаридаги фольклор асарларини ёзиб олишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган Зариф Қодирий ҳақида икки оғиз сўз айтиб ўтишни лозим топдик. Ғоят чечан, ҳозиржавоб ва бадиҳағўи бахши Нурмон Абдувой ўғлидан “Кунтуғмиш” достонининг ўзига хос вариантини ёзиб олган Зариф Қодирий Ўзбекистон халқ Маориф комиссарлиги Илмий марказининг “Ўзбекларни ўрганиш комитети” томонидан 1926-1928 йилларда Самарканд вилояти бўйлаб халқ достонларини тўплаш мақсадида олиб борган илмий изланишларида фаол иштирок этган мутахассислардан бири бўлган. У 1927 йилда Нурмон Абдувой ўғлидан “Кунтуғмиш полвон” ва “Орзигул” (“Абдулла кофир”) достонларини ёзиб олган.

Атоқли халқ бахшиси Нурмон Абдувой ўғли достонлари ҳажман қисқа бўлса-да, эпик сюжетни тўла сақлаб қолганлиги, анъанавий мотивларнинг қадимийлиги, образларнинг пухта ишланганлиги ва бадиий тилининг халқчиллиги билан алоҳида ажралиб туради.

3. Песни Булбуля. Избранные в трех томах. Т.3. -Ташкент: 1977.

4. ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№28. Нурмон Абдувой ўғлининг “Орзикул” (“Абдулла копир”) достони.

РЕЗЮМЕ

Мақолада атоқли халқ бахшиси Нурмон Абдувой ўғлининг ижоди ҳақида сўз боради. У ўзининг ғоят хозиржавоблиги ва бадиҳаўйлик иқтидорининг юксаклиги билан алоҳида ажралиб турган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена творчеству известного народного поэта Нурмона Абдувой оглу. Он отличался необыкновенной отзывчивостью и высоким уровнем артистизма.

SUMMARY

The article deals with the work of the famous national poet Nurmon Abduvoy oglu. He was distinguished by his extraordinary responsiveness and high level of artistic ability.

A.ĀBDIEVTIŃ SATIRALIŖ GŪRRIŃLERINIŃ KŖRKEMLIŖI

A.Jaqsılıqova – *tayanish doktorant*

Ājiniyaz atındađı NŖkis māmleketlik pedagogikalık instituti

Tayanch sózlar: satira, satirik asar, obraz, badiiylik, janr.

Ключевые слова: сатира, сатирическое произведение, образ, искусство, жанр.

Key words: satire, satirical work, image, art, genre.

Satira arqalı belgili bir xalıqtıń turmıs jađdayın, jasaw tárizin, sol dáwirge tán real-turmıslıq waqıyalarđı kŖrkem boyawlar menen sáwlelendirip beriwge boladı. Satiralıq shıǵarmaların kŖrkemliginiń biri jeke adam tađdirindegi kishi kŖlemlı mashqalalardan baslap, pútkil jámiyettegi problemalardı ótkir sına aladı.

Qaraqalpaq ádebiyatında satiranı tereń izertlep, házirgi ádebiy processte satiralıq shıǵarmaların belgili orına iye ekenligin kŖrsetken ilimpaz Yu.Paxratdinov satira janrı haqqında tómendegishe pikir bildiredi. “Satirada jámiyettegi kerı kúshlerge qaratılǵan kúlkiler arqalı unamsız illetlerge óshpenlik oyatıladı. Satira hesh waqıtta progressivlik baǵıtta alǵa ilgerlewshı kúshlerge qarsı kúlkini jumsamaydı. Olardıń negizin túbirin tez tawıp alıp, olar tezden rawıjanıp ketpew ushın háreket etedi. Sol ushın da satiranıń eń baslı ashkaralawshı qurallarınıń biri- kúlkı [1:25].

Ózbek ádebiyatında belgili alım Erkin Xudayberdiev: “Satira haqıyqıy satira bolıwı ushın, birinshiden, onıń dóretiwhisi qanday idealǵa súyenip atırǵanlıǵın anıq bilıwı lazım, ekinshiden, onıń aytajaq pikiri anıq bolıwı kerek”-dep pikirde bildiredi [2:317].

Haqıyqatında da, satira- insan xarakterindegi sırlı belgilerdi hár túrli boyawlarǵa sińdirip súwretlewshı janr. Satiralıq shıǵarmalarđı dóretiwhisi sóz sheberinen gŖzzal kŖrkem sheberlik talap etiledi. Sebebi, satira kŖbine se turmıstaǵı real haqıyqatlıqlardı jırlawǵa háreket etedi.

Qaraqalpaq ádebiyatında satiralıq prozanıń rawajlanıwında M.Nızanov, O.Ābdıraxmanov, S.Jumaǵulovlar menen bir qatarda Allanazar Ābdievtiń gŭrrińleriniń ornı ayırıqsha áhmiyetke iye. Jazıwshınıń satiralıq gŭrrińlerinde jámiyetlik turmıstıń konkret belgili bir waqıyalarında ashshı turmıs shınlıǵı kŖrkem bayanlanadı.

Sóz sheberiniń “Bekanniń avtomashinaları” dep atalǵan toplamına kiritilgen gŭrrińleri satiralıq boyawlar menen boyalıp, obrazlı súwretlengen.

Jazıwshınıń “Siziń de isińiz túser” gŭrrińinde turmısımızda ushırasıp otırǵan, óz paydası ushın jaǵımpazlıq etiw, bilimlendiriw tarawındaǵı unamsız kemshilikler ótkir sına alınadı. Gŭrrińde muǵallım menen oqıwshı arasındaǵı qısqa diolog, muǵallım xarakterindegi ashshı haqıyqatlıq kúlkili halatta súwretlenedi. Mısalı:

-Ákeńniń atı Eshimbet emes pe, inim?

-Awa, sonday,

-Asxanada baslıq bolıp isley me, ya?-muǵallım janlanıp ketti.

-Awa,-dedi Begdullanında júzi jadırap.

Bul balanıń mısalıńıń teginge ayılmaǵanın sezbeğiminde biziń hayal jumıstan qańbaqtay ushar eken-dá?!-dep ishinen oylanǵan muǵallım, hayalınıń awıstırıp-súyistiriw ákeletuǵın mantı, pelmenlerin eslep tamsanıp qoydı.

-Bárekella, bárekella!.. Yaxshı [3:3].

Biz joqarıda kŖrip ótken mısalda qaharmanıń ersi qılwaları sol ersi halında oqıwshılardı tásirli jetkerilgen.

Jazıwshınıń jáne bir kewilge qonımlı dóretpeleriniń biri “Basqa qanıgeliktiń diplomın berin” dep atalǵan gŭrrińinde jazıwshı jáne bir márte bilimlendiriw tarawındaǵı kemshiliklerge bet buradı. Oqıw ornında diplom alatıwın waqtı jetip, imtixan tapsırıwǵa kelgen talabadan oqıtıwshı alǵan bilimleriniń juwmaǵın soraydı. Oqıwshı muǵallım aldında juwap bere almay qaladı. Oqıtıwshı bolsa bul halattan gázeplenip oǵan keleshekte isin dawam ettire almaslıǵın aytadı. Oqıwshı haqıyqatında da buxalterlik kásibin iyeley almasılıǵın, bunı úyreniwge waqtı bolmaǵanlıǵın ayıp, basqa qanıgeliktiń diplomın soraydı. Oqıtıwshı ózin aqıllı bilip, jumbaqlı mäseleniń juwabın kútedi. Oqıwshı bilim alıw orına jıllar dawamında usınday oqıtıwshılardıń mütájin qandırıp, esiginde jumıs islegenin astarlı sózler menen, oqıtıwshınıń nishterine tiygizip sheber juwap qaytaradı. Mısalı:

...-Hesh kim úyretken joq. Al biraq úyreniwge májbúr boldım. Sebebi, isle dep, bir jumıstı tapsıradı. Sonnan óziń ushın úyrene beredi ekenseń. Mısalı meniń aǵash ustası bolıwıma kŖbirek úlesin qosqan Alım aǵa. Óytkeni, ol basqalarǵa qaraǵanda ustashılıq jumıslarına úyindegi stol, stul, mebellerdı ońlawǵa, sharbaq qurıwǵa kŖbirek meni jumısaytuǵın edi. Sonlıqtan, ol kisige minnetdarshılıǵım kŖp. Al slesar, mexaniklik kásiplerin meńgergenim ushın Qoraz aǵanıń aldında bas iyemen. Oqıwǵa kirgenimnen usı waqıtqa shekem jeńil mashinası buzılsa, basqaǵa aytpay maǵan ońlatıp, bul kásiptiń sırların tereń úyreniwime janın ayamadı [3:5].

Mine, bul qatarlar jeńil házil menen berilip, ashshı shınlıq búgingi turmıs haqıyqatlıǵına negizlenip, ótkir satira menen jetkerilip berilgen. Jazıwshı gŭrriń ideyasında búgingi kún jasların tek ǵana bilim alıp, ilim úyreniwge baǵdarlaydı.

Jazıwshınıń jazılǵan gŭrrińlerinde ótkir, kúlkili halatlar, real turmıs waqıyalar kŖplep ushırasadı. Ol qaharmanlarınıń ishki ruwxıy dúnyasın tábiyǵı halatta jetkerip beriwge háreket etedi. Mısalı, avtorıń “Bekanniń avtomashinaları” gŭrrińinde baylıq jolında júrgen turmısımızdaǵı ayırım hayal-qızlarımızdıń unamsız xarakteri ashkaralanadı.